

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Сенат Девони ходимлари ва халқ депутатлари Наманган ва Андижон вилояти Кенгаши депутатлари вилоятимизга ташриф буюрди

Халқ депутатлари вилоят ва маҳаллий Кенгашларининг соҳадаги ижобий ютуқлари, амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида келган меҳмонлар Марғилон шаҳар ҳоқими Ш.Нисбатхонов бошчилигидаги сектор раҳбарлари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирокида қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳрида кутиб олинди.

Дастлаб меҳмонлар Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов номидаги “Ижодкорлар боғи”да шоир ҳайкалига ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Сенат Девони ходимлари ва халқ депутатлари Наманган ва Андижон вилояти Кенгаши депутатлари ташриф давомида Эркин Воҳидов номидаги Ижод мактаби фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мактабда ўқувчилар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, чуқурлаштирилган таълим тизими, эртамиз эгалари бўлган ўғил-қизларнинг билим ва қобилиятлари меҳмонларнинг эътирофи ва давомий олқишларига сазовор бўлди.

Меҳмонларнинг навбатдаги ташриф манзиллари Эркин Воҳидов номидаги мемориал музей бўлди.

Музей саҳнасидан ўрин олган шоирнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида сўзловчи экспонатлар, иштирокчиларни беихтиёр ижодкор яшаб ўтган ижодий муҳит сари етаклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Сенат Девони ходимлари ва халқ депутатлари Наманган ва Андижон вилояти Кенгаши депутатлари иштирокида Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгаши йиғилишлар залида семинар ўтказилди.

Семинарни Олий Мажлис Сенати масъул ходими Абдурашид Алтиев кириш сўзи билан очиб берди. Семинар давомида Халқ депутатлари Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг соҳадаги ижобий ютуқлари, амалга ошираётган ишлари юзасидан фикр алмашилди.

Семинардан сўнг меҳмонлар учун “Ижодкорлар боғи”да шаҳар Маданият марказининг соҳирнафас санъаткорлари ҳамда 8-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

2024-05-04 15:32:43